

Вилоятда саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 11688,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 109,2 фоизни ташкил этди.

Хисобот даврида 6786,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-сентябрга нисбатан 104,6 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2327,4 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 4459,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2018 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 108,1 ва 102,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооператсияларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2019-йилнинг январь-сентябрь ойларида 417,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

2019 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	11688,6	109,2
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	83,5	107,6
<i>шу жумладан:</i>		
Металл рудаларини қазиб олиш	0,2	68,0
Қайта ишлаш саноати	11244,9	109,7
<i>шу жумладан:</i>		
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4378,4	106,1
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1 976,3	99,9
Ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	196,9	106,8
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	27,8	131,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5,2	41,7

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	352,7	77,1
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	62,9	117,9
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	521,3	116,2
Металлургия саноати	532,1	67,7
Автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим притсеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	3191,3	149,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	297,2	101,6
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндилярни йиғиши ва утилизация қилиш	63,0	87,4


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2018 йил январь-сентябрь



2019 йил январь-сентябрь



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни йиғиши ва утилизация қилиш